ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
ҚАНЛЫКӨЛ РАЙОНЫ ҲӘКИМИ
Ш Е Ш И М И

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНЛИКЎЛ ТУМАНИ ҲОКИМИ
Қ А Р О Р И

Қанлыкөл посёлкасы | Қонликўл шаҳарчаси

№ 1218/10 | **23-октябр 2018-йил**

Ижтимоий ҳимояга мухтож ва иш топишда кийналаётганшахсларни иш топишда шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд этиб куйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Ахолини иш билан таъминлаш тугрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 йил 5-6-сон)нинг 17-моддаси, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўгрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари туплами, 2008 йил 29-30-сон)нинг 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда кийналаётганшахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қуйиш тўғрисида»ги Режа (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 34-сон, 333-модда)га асос ижтимоий ҳимояга мухтож ва иш топишда кийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун Қонликўл туманида 2019 йил учун иш ўринларини банд этиб қуйиш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ахолини иш билан таъмиинлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асос ижтимоий ҳимояга мухтож ва иш топишда кийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги корхона ва ташкилот учун ишчиларнинг руйхати буйича уртача сонидан 1631 шахсларни ташкил этадиган 4,1 фоиз миқдорида, шу ҳисобдан:

а) ногиронлар учун 3,75 фоиз - 3 шахс;

б) 14 ёшга тулмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 15 фоиз - 23 шахс;

в) Таълим муассасаларини битирувчи ёшлар учун 77,5 фоиз - 33 шахс;

г) муддатли ҳарбий хизматдан қайтганлар учун 2,5 фоиз – 1 шахс;

д) Туман бандликка кўмаклашиш ва халқни ижтимоий ҳимоя марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашб қолган шахслар учун 1,3 фоиз - 1 шахс;

е) жазони ижро этиш муассаларидан озод қилинган, жазони утаётган яки суд қарорига асос тиббий характердаги мажбурий чоралар қулланилган шахслар учун 3,8 фоиз – 4 шахс,

ж) бошқалар учун учун 6,25 фоиз 5 одам, шу хисобдан мобилизация чакириш резервига киритилган шахслар 1 одам, кичик ёшдаги болалари бор ишсиз аёллар 1 одам, атрофдагилар учун хавфли булмаган ижтимоий ахамиятли касалликлар билан касалланган шахсларучун 1 одам, одам савдосидан жабрланганлар учун -1одам микдорида иш ўринлари резерви белгилансин.

2. Ижтимоий ҳимояга мухтож ва иш топишда кийналаётганшахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019-йил учун банд этиб қуйиш лозим булган корхоналар руйхати 1-иловага, ижтимоий химояга мухтож ва иш топишда кийналиб юрган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019-йил учун банд этиб қуйиш буйича тузилган махсус комиссия 2-иловага асос тасдиклансин.

3. Корхона ва ташкилот рахбарларига ижтимоий ижтимоий химояга мухтож ва иш топишда кийналиб юрган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2018 йил якунланишидан ўн кун олдин квота иш ўринлари умумий микдорининг камида 25 фоизи учун, 2019 йилнинг 10 апрелидан кечиктирмай иш ўринларининг қолган қисми 75 фоизи ташкил этиш (ажратиш ёки банд этиб қуйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринларини банд этиб қуйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман бандликка кўмаклашиш марказига тавсия этиш вазифалари юклатилсин.

4 Кархона ва ташкилотлар раҳбарлари ижтимоий ҳимояга мухтож ва иш топишда кийналаётганшахслар учун иш ўринларини кўрсатиб утилган микдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 20 август кунги 186 сон қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимояга мухтож ва иш топишда кийналаётганшахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд этиб қуйиш тартиби ҳакидаги Режа»га асос, белгиланган муддатларда ва тартибда яратилишни (ажиратилиши ёки банд этиб қуйилишини) ҳамда иш ўринлари санитария гигиена нормаларига ва ишчи ўз вазифаларини бемалол бажаришини таъминлаш меҳнат шароитларига мувофиқ бўлиши таъминласин.

5. Ушбу карор талаблари бажарилмаганда кархона лавозимли шахсларига «Ижтимоий ҳимояга мухтож ва иш топишда кийналаётганшахсларни ишга жойлаштириш иш ўринларини банд этиб куйиш тартиби тугрисида»ги Режанинг 15-бандига асос жаримасолинади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008-йил 20-августтагы 186-сонли қарори билан тасдикланган «Ижтимоий ҳимояга мухтож ва иш топишда кийналиб юрган шахсларни ишга жойлаштириш иш ўринларини банд этиб куйиш тартиби тугрисида»ги Режага асос ижтимоий ҳимояга мухтож ва иш топишда кийналиб юрган шахсларучун банд этиб куйиладган иш ўринларини

туман ҳокими томонидан белгиланган микдордан ортиқча ташкиллаштирилган муассасалар ушбу иш ўринларини ташкиллаштиришга сарфланган харажатларнинг бир қисмини туман бандликка кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш жамгармаси харажатлари хисобидан коплаш хукукига эга эканлиги хисобга олинсин..

7. Туман бандликка кумаклашиш ва халқни ижтимоий химоя маркази (Т.Даулетов) ушбу карорни тегишли кархона ва ташкилот рахбарларига етказсин ва унинг бажарилиши устидан қаътий назоратга олинишинитаъминласин.

8. Қонликул тумани ҳокимининг 2017 йил 9 ноябрдаги «Ижтимоий химояга мухтож ва иш топишда кийналиб юрган шахсларни ишга жойлаштириш иш ўринларини 218 йил учун банд этиб куйиш тугрисида»ги 1433/11-сон қарори («Қанлыкөл хабарлары» газетаси, 2017 йил 28-ноябрь №22 (4868) сон редакцияси 2018 йил 23-октябрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу карорнинг бажарилишини назорат килиш туман ҳокимининг уринбоари Қ.Абдикаримовга юклансин.

10. Ушбу карор «Қанлыкөл хабарлары» газетасида рәсмий эълон килинсин ва хокимлик расмий веб-сайтида жойлантирилсин.

11. Карор расмий тарзда эълон килинган кундан бошлаб кучга киради.

Таржимасининг тўғрилигини тасдиқлайман.

Қонликўл тумани ҳокими **Д.Толыбаев**

KOSHIRME
DURIS